



ҚАСДДАН БАДАНГА ОҒИР ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Д.М. Кушбаков

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
доценти, ю.ф.б.ф.д.(PhD), доцент, подполковник

В.О. Эгамбердиев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
катта ўқитувчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15614149>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2025

Accepted: 05th June 2025

Published: 07th June 2025

KEYWORDS

ички ишлар органлари,
ҳуқуқий асослар,
профилактика инспектори,
асослар, қасддан баданга оғир
шикаст етказиш, жиноят,
профилактика, чора-
тадбирлар, таҳлил, қарши
курашиш, фаолият.

ABSTRACT

Ушбу мақолада қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикаси бўйича фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ушбу турдаги жиноятни профилактикасининг асосий йўналишлари, хусусияти, ушбу жиноятни содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларнинг таҳлили, профилактика инспекторинг амалга оширадиган чора-тадбирлари ёритилган.

Мамлакатимизда ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, ички ишлар органларининг, айниқса профилактика инспекторларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳуқуқимиз томонидан босқичма-босқич ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур ишларни амалга ошириш жараёнида давлатимиз олдида, фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини қарор топдириш, келажак авлодларнинг салбий одатларсиз фаравон ҳаётини таъминлаш, шунингдек, жамиятда мавжуд бўлган салбий иллатларнинг олдини олишдан иборатдир.

Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг умумий профилактик фаолияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг фаолиятини ташкил этиш муайян ҳуқуқий асосларга таянади.

Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторлари фаолиятида қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг умумий профилактикани амалга оширишда ҳамкорликда хизмат фаолиятини олиб борувчи ички ишлар одораларининг соҳа хизматлари, давлат органлари ва жамоат тузилма аъзолари фаолияти тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Фармойишлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари; – Маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарор ва кўрсатмалари;
- Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ушбу фаолиятнинг ташкил этиш ва уни олиб бориш биринчи ўринда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқнинг ўзини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодалайди. Конституцияда давлатнинг қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада юридик жиҳатидан ҳимояланганлиги унинг нормаларида акс этилган. Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократия тамойилларига таянганлиги ҳамда инсонларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлиши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглигини эътироф этилиши ҳам Конституциянинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Конституцияни демократик қомус деб атаб қуйидагича таъриф берганлар. «Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи- инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда, фуқаро – жамият - давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик. Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин. Давлатимизнинг келажаги ҳалқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқдир.»¹

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунида ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятининг алоҳида йўналиши ҳисобланган озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида сўз борган бўлиб, таянч пунктларининг ваколатли субъектлари жумладан, профилактика инспекторлари мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бевосита кўрсатилган қонунга асосланиб хизмат олиб борадилар. Жойларда махсус ҳисобга олинган фуқароларнинг турмуш шароити, ижтимоийиқтисодий аҳволи, муаммоларини ўрганиш, ушбу тоифа шахслар нега радикаллашиб кетганининг сабабларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш. Ана шу ишларнинг натижалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида қўллаш учун аниқ тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш. Шу йўналишдаги ишларни аввалгидек давом эттирадиган бўлсак, яъни, умумий профилактика ишларини ёшлар радикал диний оқим аъзосига айланганидан сўнг ўтказадиган бўлсак, бундай хавф-хатарга қарши ҳеч қачон самарали кураша олмаймиз. “Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги Қонуни Маълумки, спиртли ичимликка ружу қўйиш шахснинг жамиятга нисбатан ижобий муносабатини сустрлаштиради. Айниқса оилада оила аъзолари ўртасида салбий муносабатларнинг вужудга келишини тақозо этади. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида оилада кўпинча эр-хотин ўртасида жанжаллар содир этилади². Хусусан, оилавий жанжаллар туфайли ҳуқуқбузарликлар содир этиб озодликдан маҳрум қилинган 150 нафар ичкиликбозликка берилган шахслар турмуши

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат // Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Тошкент.1996 1-том 124-б.

² Ўзбекистон Республикасининг “Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрдаги қонуни.

ўрганилганида уларнинг ўз ҳаётий муаммоларини зўрлик билан ҳал этишга мойилликлари маълум бўлди. Ичкиликбозликка берилган шахсларнинг қирқ фоизга яқини ўз оила аъзолари мавжуд муаммоларнинг асосий айбдорлари, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг эллик фоиздан ортиғи эса, оила аъзоларига енгил тан жароҳати етказиш, калтаклаш туфайли судланганлар.

Амалётнинг кўрсатишича, ичкиликбозликка ружуъ қўйган шахслар томонидан кўпинча оғир кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилаётганлиги бугунги куннинг долзарб муаммолари сирасидандир. Кейинги йилларда умумий жиноятчиликда маст ҳолда содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Масалан, маст ҳолда содир этилган жиноятлар 2019 йилда 6,9 фоиз, 2020 йилда 6,9 фоиз, 2021 йилда 6,4 фоиз, 2022 йилда 5,4 фоиз, 2023 йилда 7,1 фоиз содир этилган³.

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 2000 йил 15 декабрдаги Қонуни. Бутунги кунда бутун дунё аҳлини тинч осойишта яшаши ва кун кечирishiга раҳна солаётган, бегуноҳ инсонларнинг бевақт ҳаётдан кетишига сабаб бўлган, энг разил ва қабиҳ бўлган терроризм жиноятидир. Хусусан, террористик ва қўпарувчилик ҳаракатларини, қотиллик, талончилик, гаровга олиш каби жиноятларни содир этиш орқали жамиятда тангликни юзага келтириш, умидсизлик, қўрқув ва давлат имкониятларига ишончсизлик ҳиссиётини вужудга келтириш орқали оғир жиноятлар содир этилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам 2008 йилда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши бевосита вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлигини исботлаб берди.

Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши кураш фаолиятини ташкил этишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятни юксалтириш, шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонхонлигини ошириш, айниқса бугунги кунда мамлакатимизда вояга етмаганларни тарбиялаш ва жамиятга етук баркамол инсон этиб тарбиялаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, ҳар қандай шахс биринчи тарбияни оилада олади ва маънавий баркамол инсон булиб шаклланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунга кўра профилактика инспекторлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, ёшлар ва вояга етмаганларнинг қаровсизлиги, назоратсизлиги оқибатида улар томонидан турли хилдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш бўйича ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга оширади⁴.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 сентябрдаги «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунга асосан ишлар органлари таянч пункти профилактика инспекторлари ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соғлиқни давлат томонидан бошқариш органлари билан ҳамкорликда ОИВ касаликларини юқтирилишини олдидан олиш бўйича ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкиллаштиради⁵.

Ўзбекистон республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 2013 йил 22 апрелдаги қонуни кўра профилактика инспекторлари ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда шаҳарчаларда, қишлоқларда, овулларда,

³ <https://stat.sud.uz/file/2024/31.01>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 2013 йил 22 апрел Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 23.03.2020 йилдаги 176-сон

шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар конституциявий ҳуқуқини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда аҳолининг саводхонлиги ошириш, турли ҳилдаги ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга оширадilar

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни талабларига асосан профилактика инспекторлари умумий профилактикани амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамият институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар)да ҳамкорлик қилади. Бундан ташқари мазкур қонунда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни 9-моддасига кўра ички ишлар органлари таянч пункти профилактика инспекторларининг умумий профилактик фаолиятини такомиллаштиришда ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва кўмаклашувчи давлат органлари органлар: ички ишлар органлари; прокуратура органлари; миллий хавфсизлик хизмати органлари; адлия органлари; давлат божхона хизмати органлари; давлат солиқ хизмати органлари; меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари; таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; ўзбекистон республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ўтказиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш каби умий профилактикани амалга оширишда хизмат қилади⁶.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Ушбу қонунда Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси белгилаб берилган.

Профилактика инспекторларининг умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этилиши кенг жамоатчилик имкониятларидан фойдаланишни, ҳуқуқбузарлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 06.11.2015 йилдаги 320-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонуни қоидаларини амалга оширишга ёналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида

олиш субъектларининг фаолиятини ташкил этиш ва керакли чора-тадбирларни амалга оширишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади⁷

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ёнунга кўра профилактика инспекторлари умумий профилактикани амалга оширишда тумн шаҳар Ички ишлар бошқармалари, бўлимлари бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда туман ёшлар иттифоқи кенгаши раислари аъзолари билан ёшларни турли ҳилдаги салбий иллатларга аралашиб қолмасликлари диний экстремиз, терориз ва бошқа жиноий тузилмаларга кириб қолишларнинг олдини олиш мақсадида ёшларни ижтимоий, жиҳатдан аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш каби умий профилактикани амалга оширишда хизмат қилади/шакллантириш ва уларнинг интеллектуал шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини шакиллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сон қарорига мувофиқ профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкил этишда ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» сифатида белгиланди⁸.

Шахнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур қонун ҳужжатларини яратиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қонунчилигида ҳам жабрланувчилар билан боғлиқ виктимологик профилактика нормаларини такомиллаштириш амалий жиҳатдан долзарб масала бўлиб қолмоқда. Чунки, шу орқали жабрланувчиларнинг ўзларини тутиши ва шахсини баҳолаш имконияти юзага келади.

Бундан ташқари, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасига доир ҳуқуқий асосларни таъсир кўрсатиш кучига кўра қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

- 1) қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни реабилитация қилишга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар; 2) Конституция ва қонунлар;
- 3) қонуности ҳужжатлар.

Шахнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлардан жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни реабилитация қилишга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар.

Шахнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликлардан виктимлик ҳолатини келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратиш катта аҳамиятга эга. Албатта бу борада бир қатор чет-эл давлатларида амалга оширилаётган тажрибаларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлимнинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар»га бағишланган 7-бобида келтирилган «...ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзияга дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни, Постда газетаси, Т-2021

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2020. – №20. – 221-м.

ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас», «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва тураржойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга», «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди³¹» каби мазмундаги қоидалар ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикасининг қомусий асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ушбу Конституциянинг талабларини бажаришда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари муҳим ўрин тутди⁹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 2-моддасида *биринчидан*, шахсни, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсон хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш, *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, *учинчидан*, фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш унинг асосий вазифалари қилиб белгиланган.

Жиноят Кодексининг махсус қисми нормалари билан жиноят деб кўрсатилган қилмиш учун жазонинг белгиланганлиги тўғридан-тўғри шахсларни бундай жиноий қилмишларни содир этишдан ушлаб туради. Тадқиқотлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жамиятда жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш қанчалик юқори даражада бўлса жиноят Кодекс кўрсатмоқдаки, профилактика хизматлари амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш, виқтимологик профилактик тадбирларни ўтказиш жараёнида ўз хизмат ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг махсус қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг содир этилганлиги ҳақида керакли процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда мазкур кодекснинг 186-бобидаги нормаларга асосан белгиланган тартибда кўриб чиқишга ваколатли органларга юбориш тартиблари белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2008 йил 7 январь қонуни ҳам соғлиғига қарши жиноятлардан жабрланган шахсларни, аниқроғи болаларни ҳимоя қилиш тартибини белгиловчи асосий қонунлардан бири сифатида эътироф этилади. Чунки, қонунда асосий эътибор ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар тоифасига қаратилади, «зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар» эса ушбу ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар тоифасининг бирини ташкил қилади.

Ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори, жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жихатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. Мазкур қонун биринчидан, ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уни таъминлашда иккинчидан, вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда учинчидан, ёшларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлашда тўртинчидан, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашда бешинчидан, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда олтинчидан, ёшларни ижтимоий жихатдан ҳимоя қилишда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2014. – 76 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5005-сонли фармонига кўра профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга оширида бугунги кунда юзага келётган хавф-хатар ва таҳдидлар ҳамда уларнинг олдини олиш муҳим ўрин эгаллайди¹⁰. Олиб борилаётган амалий ишларнинг ягона мақсади эса бу жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини оёириш ҳисобланади. Бу жараёнда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси муҳим аҳамият касб этиб, таъсир доирасининг кенглиги билан ажралиб туради, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси булинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2896-сонли қарорига мувофиқ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ва унинг тизими, тузулиши тубдан такомиллаштирилди, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга оширишга доир бирқатор вазифалар ҳамда профилактика инспекторларининг ижтимоий ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни хизмат худудида уй жой билан таъминлаш ишлари такомиллаштирилди¹¹

Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактикасига бўлиш амалиётда, айниқса ички ишлар органлари фаолияти амалиётда кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг бир қатор норматив ҳужжатларида ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкил қилиш, ахборот билан таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий ва қонунчилик тарғиботини олиб бориш, фуқароларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жамиятда вояга етмаганлар ва ёшлар ҳамда жамиятнинг барча қатламларини манфаатларини муҳофаза этиш юзасидаги юклатилган вазифаларни бажаради. ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 157-сонли буйруғи Ўзбекистон Республикаси Ички вазири ишлар вазирининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 193-сонли буйруқлари профилактика инспекторларининг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини амалга оширишда муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қуйидаги турларга ажратилган: 1) ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси; 2) ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси; 3) ҳуқуқбузарликларнинг якка

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5005-сонли фармони

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги 151-сонли буйруғи

тартибдаги профилактикаси; 4) ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини турлари тўғрисида хилма-хил фикрлар юритилгани каби, ушбу турлари бўйича ягона тўхтама келинмаган ҳам. Буни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятни тартибга солувчи қончилиги таҳлили ҳам кўрсатади. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари баъзи давлатларда турланган бўлса, баъзиларида эса чора-тадбир сифатида таснифланган. Мисол учун, Россия Федерацияси, Ўзбекистон ва Қирғиз Республикаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилигида «тур», Қозоғистон Республикаси қонунчилигида эса «чора (тадбир)» сифатида келтирилган бўлса, Беларусь Республикаси қонунчилигида бу борада аниқ ёндашув мавжуд эмас.

Таҳлилларга кўра, ушбу давлатларда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикаси қуйидагича турланади:

1) Ўзбекистон Республикасида: умумий, махсус, якка тартибдаги (индивидуал), виктимологик; 2) Қозоғистон Республикасида: умумий чоралар, якка тартибдаги (индивидуал), махсус чоралар; 3) Россия Федерациясида: умумий, якка тартибдаги (индивидуал); 4) Беларусь Республикасида: умумий, якка тартибдаги (индивидуал); 5) Қирғиз Республикасида: умумий, якка тартибдаги (индивидуал).

Кўриниб турибдики, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини турланиши ушбу масалага қайси жиҳатдан ёндашилишига боғлиқ. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасида қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасининг умумийлигига, индивидуаллигига, махсус ва виктимологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, Россия Федерацияси ҳамда Қирғиз ва Беларусь Республикаларида унинг фақат умумийлиги ва индивидуаллиги бўйича ёндашилган. Қозоғистон Республикасида эса қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг виктимологик жиҳатлари унинг умумийлиги, индивидуаллиги ва махсуслигига сингиб кетади деб тушунилади. Россия Федерациясида эса махсус профилактика қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг йўналишларидан бири сифатида талқин этилади.

Ўрганилаётган объектлар ўрганилиши осон бўлиши ёки чуқурроқ ўрганилиши, амалий фаолиятда эса фаолият йўналишларининг аниқ белгилаб олинишига эришиш мақсадида турланади ёки таснифланади.

Айнан шу мақсадда келтириб ўтилган давлатлар қонунчилигида ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси турларга ажратилган. Лекин қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасининг жиҳатлари унга кучлироқ ёндашиш зарурлигини талаб этади.

Мазкур зарурият қуйидагилар билан ифодаланади:

Е.О.Алауханов ва З.С. Зариповлар олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, қасддан одам ўлдириш жиноятдан жабрланганларнинг 48,9 фоизи, тан жароҳати олганларнинг 50 фоиздан ортиғи, номусига тегилган аёлларнинг 49 фоизи ўзларининг салбий хулқ-атвори (таҳдид қилиши, ҳақоратлаши, туҳмат қилгани, калтаклаши, енгил-таклиги, ичкиликбозлиги кабилар) билан ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган ёки унга имкон берувчи шароитни яратгани учун жабрланганлар.

Агарда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасига алоҳида ёндашиб, бу борадаги муаммолар ўз ечимини топмас экан, унда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигига етарлича эришиб бўлмайди. Масаланинг мазкур жиҳатига алоҳида эътибор қаратган қонун чиқарувчи, миллий қонунчилигимизда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг умумий,

махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик турлар орқали амалга оширилишини белгилаб берган. Бироқ профилактиканинг ушбу турлари мазмун жиҳатдан таҳлил қилинганда, уларнинг барчасини ҳам тур сифатида эътироф этиб бўлмаслиги кўринадди. Негаки, муайян бир тур бошқасидан ўзига хос хусусият (индивидуаллик) билан фарқланиши лозим. Аммо миллий қонунчилигимизда мазкур ўзига хосликка эътибор қаратилмаганлиги кузатилади. Буни:

1) соғлиққа қарши жиноятлардан жабрланишнинг олдини олиш юзасидан таълим муассасаси, меҳнат жамоаси ёки маҳаллада тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг виктимологик профилактикаси ёки профилактикаси?

2) муайян ҳудудда ёлғиз яшаётган қарияларга нисбатан кетма-кет бир неча маротаба жиний тажовуз амалга оширилганлиги боис маъмурий ҳудуддаги ёлғиз яшовчи қариялар билан индивидуал равишда виктимологик мазмундаги суҳбатларни ўтказиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг виктимологик профилактикаси ёки якка тартибдаги профилактикаси?

3) «диққат пиёда», «велосипед», «ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «ёнғин хавфсизлиги ойлиги» каби махсус тадбирларнинг ўтказилиши ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси, профилактикаси ёки махсус профилактикаси? мазмунидаги саволларга жавоб топишнинг қийин эканлигида ҳам кўриш мумкин.

Кўриниб турибдики, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини юқорида таклиф этилган мезонлар бўйича алоҳида тур сифатида таснифлаб бўлмайди. Шу боис, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасинини муайян мезон асосида таснифлаш ва турларга ажратиш билан чегараланмаслик зарур.

Бу борада, авваламбор, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси таъсир кўрсатиш объектлари бўйича турланиши лозим. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсир кўрсатиш объектларини икки гуруҳга ажратиш, яъни *биринчи гуруҳ*, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этишга мойил шахслар, *иккинчи гуруҳ*, ҳуқуқбузарликдан жабрланган ёки жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахслар тариқасида таснифлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги хулосага асосланиб, **профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг хусусиятига кўра**, 1) криминологик профилактика; 2) виктимологик профилактика; **профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг хусусиятига кўра**, 1) профилактика; 2) якка тартибдаги профилактика ажратиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини криминологик ҳамда виктимологик профилактик йўналишлар бўйича амалга оширилиши профилактик чоратадбирларнинг таъсирчанлигини оширишга, куч ва воситаларни тўғри ва манзилли йўналтиришга ҳамда кутилган натижага эришишга самарали хизмат қилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти ва қонун нормаларининг илмий-амалий таҳлили ҳуқуқбузарликлар профилактикаси усул ва шаклларининг назарий-ҳуқуқий асослари етарлича яратилмаганлиги ва шу боисдан, ушбу усул ва шаклларнинг амалиётда қўллаш самарадорлиги етарли эмаслигини намоён этди.

Мазкур амалиётнинг илк белгиларини мамлакатимизда 2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-сон қарорининг қабул қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528сон

қарорида илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида «Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасининг белгиланганлигида кўриш мумкин.

